

Сўнгги пушаймон ўзингга душман



09:05 / 31.03.2022 2939

«Эй Одам фарзанди!

Қўлингни кўкрагинг устига қўй. Ниманики ўзинг учун яхши кўрсанг,
ўзингдан бошқаси учун ҳам уни яхши кўр.

Эй Одам фарзанди!

Танинг заиф, тилинг енгил, қалбинг эса золимдир.

Эй Одам фарзанди!

Охирги чегара ўлим, ўлим келишидан олдин амал қилиб қол.

Эй Одам фарзанди!

То ризқини ҳам яратмагунча, бирорта аъзонгни яратмадим.

Эй Одам фарзанди!

Агар сени соқов қилиб яратганимда тил учун, кўр қилиб яратганимда кўз
учун, кар қилиб яратганимда кулоқ учун ҳасрат чеккан бўлардинг. Бас,
берган неъматимнинг қадрига ет, Менга шукр қил, куфр келтирма, чунки
Менга қайтажаксан.

Эй Одам фарзанди!

Сенга тақсимлаб қўйган нарсам талабида ўзингни қийнама. Сенга тақсимлаган ҳар бир нарсам то тугагунича, ўзи сени талаб қилиб боради.

Эй Одам фарзанди!

Мени ўртага қўйиб ёлғон қасам ичма. Ким Менинг номим билан ёлғон қасам ичса, дўзахга киритаман.

Эй Одам фарзанди!

Берган ризқимни еганингдан сўнг тоатимга кириш.

Эй Одам фарзанди!

Мендан эртанинг ризқини сўрама, чунки Мен ҳам сендан эртага қиладиган амалингни (бугун) талаб қилаётганим йўқ-ку!

Эй Одам фарзанди!

Мен сенинг озгина амалиннга розиман. Сен эса берган кўп ризқимга ҳам рози эмассан.

Эй Одам фарзанди!

Агар дунёни бандаларимдан бирортасига қолдирганимда албатта уни пайғамбарларимга қолдирган бўлардим, улар (шу дунё орқали) бандаларимни тоатимга ва буйруқларимни бажаришга чақирган бўлардилар.

Эй Одам фарзанди!

Ўлим сенга тушишидан олдин ўзинг учун амал қил. Хато(лар) сени алдаб қўймасин. Чунки (ҳали) хатолар изидан юриш бор. Ҳаёт ва узун орзу-ҳаваслар сени тавбадан чалғитмасин. Негаки, тавбани кечиктирганинг учун пушаймон фойда бермайдиган кунда пушаймонлар ичра қоласан.

Эй Одам фарзанди!

Сенга ризқ этиб берган молдан Менинг ҳаққимни чиқармасанг ва камбағалларни у молдаги ҳақларини олишдан тўссанг, устингда шундай бир золим ҳукмрон қилинадик, у сендан молни тортиб олади, Мен ҳам мол туфайли келадиган савобдан сени маҳрум қиламан.

Эй Одам фарзанди!

Агар дунё сен томон юз тутса, ўлимни эсла, агар гуноҳни қасд қилсанг, тавбани эсла, мол-дунё қўлга киритсанг, ҳисоб-китобни эсла, таомга ўтирсанг, очларни эсла, нафсинг заифни (жазолашга) ундаса, Аллоҳнинг сенинг устингдаги қудратини эсла. Агар Аллоҳ хоҳласа, қудратини устингда ҳукмрон қилиб қўяди. Агар устингга бир бало тушса, «Ла ҳавла вала қуввата илла биллаҳил алиййил ʼазийм»ни айтиш билан ёрдам сўра. Агар касал бўлсанг, нафсингни садақа билан муолажа қил. Агар сенга бирор мусибат етса, «Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиъун», «Албатта биз Аллоҳнинг (бандаларимиз) ва албатта биз у Зотга қайтгувчилармиз» (Бақара сураси, 156-оят) дегин».

Имом Ғаззолий «Қирқ ҳадиси қудсий»дан.